

Варақа ибн Навфал башорати



11:08 / 15.12.2017 4948

209

Шундай қилиб ҳалоскор , бўлдилар жуда безор,
Қайга боқса хиёнат, қалблариолди озор,
Ўғри, каззоб,золимга, тўлиб тошгандибозор,
Вайрон қилмай бу элни, сабр қиларди АЛЛОҲ.

210

Вахший бўлган бу элда, кўплари жуда золим,
Лекин бордир Исломни, тушинган битта олим,
Олим айтар Нур яқин , кўрмоқга борми ҳолим,
Нурни кўрмай дилларга, муҳаббат солди АЛЛОҲ.

211

Ҳадичага амаки , бўлганолим биларди,
Билган билан кўп хасрат, қилиб бағрин тиларди,
Кексалик енгди мени , афсус ! – нола қиларди,
Дуо қилар: дийдорин бу дунёда , бер АЛЛОҲ.

212

Завқи келиб жианга, айтар яна кўп хабар,
Қаро ерга Нур тушди, демак яқиндур зафар,
Иккиолам Сарвари, хозирМаккани кезар,
Ғайб сирларин ўтмишдан, билдириб қўйди АЛЛОҲ.

213

Араб насли Қуройшдан , ўз эллари тан олмас,
Кўп азоблар ул Зотни, охир Маккада қолмас,
Кўз кўрмаган ситамлар, бошга неларни солмас,
Охир ватанни ташлаб, олиб кетганди АЛЛОҲ.

214

Ибни Навфалқиларди, тинмай Тангрига нола,
Э воҳ! Шунда бўлсайди, ёшлик қувватим, Худо,
Молу жоним борини,қилардимСенгафидо,
Кўрмай туриб қалбига, иймон берганди АЛЛОҲ.

Жиззах шаҳар “ИМОМ БУХОРИЙ”

Жомеъ масжиди, имом ноиби

Ҳалилов Умиджон Абдуҳаким хожи ўғли